



Дашт бош волилиги миллатпарвар турк (козок) зиёлилари 1906 йилда «Козок ўқийўрикли демократик партияси» тузишди. Бу партияда козокларнинг жуда кўп дума миллат вакиллари катнашди. Булар 1917 йил февраль инкилобигача миллий шуурни уйғотиш ва ер масаласини хал килиш билан машғул бўлдилар. Бу хусусда Мирёкуб Дулатнинг 1910 йили ёзилган «Уйгон, козок!» шеърини таъкидлаш ўринлидир.

21 - 26 июль 1917 йилда Оренбургда 2-козок кенгаши бўлди. Бу кенгашда «Козокўқийўрикли демократик партияси» номи ўзгартирилиб, «Алаш Ўрда» деб аталди(УТ 32-сон, 11-6.). Алаш Ўрдани вужудга келтирган ташаббускорлар Бўкейхон, Мирёкуб Дулат ва Бойтурсунлар эди. Бу қарор билан козок миллатпарварлари сиёсий фаолиятда рус ўқийўрикли демократик партиясининг йўригини кескин тарк этдилар. Алаш Ўрда партияси бошлиги Бўкейхон Оренбургдаги 1-козок кенгашида (5-10 апрель 1917 йил) шунини очик-ойдин гапирди: «Озодлик фурсати етди. Бизларнинг сиёсий мақсадимиз миллий озодликдир». Бу кенгашда Туркистон ислом шўроси раиси Мунаввар Кори ҳам шахсан иштирок этиб, шундай деди: «Халкимизнинг хурлиги бир кишининг муаммоси эмас, балки барчамизнинг муштарак муаммомиздир»(Чўкай ўғли. 1917 йил, 16-6.). Бу кенгашда козокларнинг ўз мамлакатларида мухтор бўлиши масаласи четлаб ўтилди. Кенгашнинг асосий мақсади рус мустамлакасига таркатилган ерларни козокларга қайтаришни талаб килиш эди. 2-козок кенгаши эса (21-26 июль, 1917 йил) мухторият ҳуқуқини талаб қилди. Мухтор идоранинг келажакдаги 10 моддали асоси қабул қилинди(Тўлик маълумот учун бокинг: 90-6.).

Октябрь инкилобидан сўнг дашт ўлкалари боскинчи рус аскарлари ва ишчиларининг талон-торож килувчи тажриба майдониға айланди. Марказий бир идора мавжуд эмасди. Муваккат хукумат даврида вужудға келган «Ишчи, аскар ва дехкон шўроси» хар бир шаҳар ва кишлокда ўзларини шу ернинг хўжайинлари каби тутардилар. Бундай зиддиятли, ит эгасини танимаган бир вақтда Алаш Ұрда ягона козок мухтор хукуматини тузишға уринди. 18-26 декабрь 1917 йили Оренбургда 3-козок кенгаши бўлди. Бу кенгашда демократик Русия жумхурияти таркибидаги маҳаллий мухторият эълон килинди. Кенгаш Алаш Ұрда номли хукумат тузди. Еттитом Семей (Семипалатинск) шаҳри хукуматнинг пойтахти бўлди. Хукумати аъзолари куйидагилар: Алихон Бўкейхон (раис), Халил Аббос (раис ёрдамчиси), Аҳмед Беримжон (адолат нозири), Алимхон Ермек (харбий нозир), М.Тинишбой (ички ишлар, айна пайти Кўкон хукумати бошлиги), Аҳмад Бойтурсун (миллий таълим нозири), М.Чўкай (ташки ишлар нозири, айна вазифада Кўкон мухториятида ҳам), Жаҳоншоҳ Дўстмуҳаммад, Халил Дўстмуҳаммад ва Аҳмадбой Сарсон (Алаш Ұрда гарбий ўлкаси масъул нозирлари).

Бошқариш тадбирлари воситасида осойишталикни таъминлай олмаган хукумат Русиянинг большевиклари ва гайрибольшевиклари босқинига маҳкум эди. Шўро руслари бу хукуматни энг тахликали ракиб деб биларди, ок подшо давридаги руслар ҳам бу хукумат борлигидан хурсанд бўлмадилар. Ўзаро курашаётган бу икки рус оқими ўртасида колган Алаш Ұрда хукумати козоклар орасида ўз мавқеини кучайтиришға ва обрўсини оширишға инти-ларди. Халкни кўриклаш учун миллий милиция тузилди. Алаш Ұрдаға тегишли ерлар, яъни собик Дашт бош волилиги козокларнинг ери идора учун икки қисмға ажратилди: Гарбий вилоят - Урал-Хазар ва Бўкей ўрдаси ерлари; Шаркий вилоят - Тўргай, Окмўла, Еттитом (Семипала-тинск) ва Еттисув ўлкаси. Ажратиш шунинг учун лозим эдики, озик-овкат таксимоти кийинчиликлари ҳамда ок руслар ва кизил руслар ўртасидаги уруш бир умумий нуктадан кўнгилдагидай бошқаришға имкон бермасди. Алаш Ұрданинг гарбий ўлкаси бошқирдлар ва Оренбург козоклари билан ҳамжихатликка интиларди. Шаркий ўлкаси эса Омскдаги ок руслар хукумати билан айнан бир ҳаракат киларди. Шу билан бирга бу икки ўлка ўзаро ҳамкорликка эриша олмади. Чунки Оренбург казакларининг атамани Дутов билан бошқирд мухтор хукумати (18 декабрь 1917 йили тузилган) етакчиси Заки Валидий Алаш хукуматини «Жануби-шаркий давлатлар иттифокига» киритишға интиларди. Алаш Ұрда хукумати бунга рози бўлса, ҳамжихатлик ҳам бошланган ҳисоб эди. Алаш Ұрда хукумати бу режадан ўзига наф изларди Бу хусусда бошқирдлар воситачи ролини ўз зиммасига олдилар. Аммо Алаш Ұрда бу мўлжалдаги иттифок атамани Дутов казаклари кўл остида бўлишини сезиб колди. Шу боисдан ҳам Алаш Ұрда хукумати ва бошқирдлар ўртасидаги учрашувлар натижа бермади(Хар икки хукумат ўртасида Семипалатинскда бир конференция уюштирилди: 370-6. УТ 32-сони, 9-бетға қаранг. Унга биноан хар иккала хукумат бир ерга йигилса ҳам бир тўхтамға кела олмади.). Русларнинг катъий ва кучли тадбирлари туфайли Алаш Ұрда хукумати билан Омскдаги рус хукумати орасидаги ҳамжихатлик юзасидан тузилган битимлар Алаш Ұрда учун ҳеч қандай фойда келтирмади(«Сибирь хукумати билан ҳам (адмирал Колчак бошчилигидаги ок гвардиячи руслар - муаллиф) бир иттифок тузишнинг иложи бўлмади. Бу хукумат киргиз (козок) кўзголонини 1916 йили бостирган генерал Ивановнинг таклифи билан козокларға қурол беришни рад этди». 1922, 175-6: «Сибирь лашқарига кўмондонлик қилган генерал Иванов (1916 йилда жазо бирликлари бошида Жиззах вилоятидаги исённи бостириш учун юборилган (Киргиз миллий хукуматиға) Козок хукуматиға -муаллиф) бир нафар ҳам рус солдати ёки субайни

(офицер) бермаслигини айтди». 387-6. Сибирь рус хукумати Алаш Ұрданинг болшевик русларга карши бирлашиб курашиш учун даъвати «Русларнинг ўзларига ёт бўлган козоклар ёрдамига эhtiёжи йўклигини» рўкач килиб рад этилди.).

Кўкондаги Туркистон миллий хукумати Алаш Ұрда хукумати билан бирлашишга, жуда бўлмаганда якин ҳамкорлик килишга астойдил бел боғлади. Ана шу максадда Туркистонда (Яссада) 1918 йил январиди хар икки хукумат вакиллари анжумани уюштирдилар. Аммо бирлашиш содир бўлмади. Зотан, 1917 йил 18-26 декабрдаги Алаш Ұрда кенгашида «Хукуматларнинг бирлашиши ёки сиёсатларини уйғунлаштириш» масаласи хусусиди бир-биридан фаркланувчи икки хил караш мавжудлиги аён бўлган эди. Биринчи караш Бўкейхон томонидан ўртага ташланиб, Туркистон билан хар канак усулда бирлашишни инкор килар ва факат туркистонликлар, сибирлар, бошкирдлар, татарлар ҳамкорлиги хакиди гапириш мумкин, деб хисобларди. Иккинчи караш бу Бойтурсун ва унинг тарафдорлари томонидан ўртага ташланиб, факат Туркистон билан бирлашиш керак, деб хисобларди. Кейинги караш турк кавмларининг барчасининг ягона миллий маркази бўлмиш Туркистон билан Алаш Ұрдани хеч кандай шартсиз буткул бирлашишини химоя киларди. Бу фикрий номувофиклик, ўта сўл Бойтурсуннинг анъанавий ва мутаассиб диний карашлар хукм сурган Туркистондан хадиксираши натижасиди пайдо бўлган эди. Бўкейхон ва унинг ҳамфикрлари, шубхасиз, русча фикрлай бошлагандилар. Бундан ташкари, Бўкейхонда миллий масалаларни хал килиш, мухторият каби масалаларда ҳам «козокчилик» биринчи ўринда эди. «Мутаассиб» Туркистон эса М.Тинишбойни Туркистон мухтор жумхурияти бошлиги ва ички ишлар нозири ва айни пайтда Алаш Ұрда хукумати ички ишлари нозири бўлиши каби нозик холатга ҳам кўнди. Бўкейхон Туркистоннинг ўз ички миллий кучларидан кўра Русия инкилоб кучларига кўпрок ишонарди. Унинг Туркистон мухтор хукуматига нисбатан кескин каршилиги ва бу икки хукумат сиёсатини мослаштиришни катъий хохламаслиги хар икки хукуматнинг тез тугатилишиди катта ўрин тутди. Бўкейхон миллий ва такдир бирлигига суяниб, иш тутиш керак бўлган фурсатда, яъни Шаркка таяниши хаётий зарурат бўлган даврда, Гарбга болшевик русларга ва уларнинг ракиблари окларга суянишни лозим кўрди.

Алаш Ұрда хукуматига ҳам рус шўро хукумати, ҳам Сибирдаги окларнинг рус хукумати душманлиги маълум эди. Шунга карамай, Алаш Ұрдадагилар рус шўро хукумати билан якинлашишга интилдилар. Бойтурсун бошчилигидаги хукумат хайъати Масковда 1918 йил январиди Сталин билан учрашди. Сталин «Ўз хукумати Козок-киргиз мухтор хукуматини эътироф килишини билдирди». Алаш Ұрда хукумати рус шўро хукумати ўзларини тан олиш билан бир замонда Еттитомдаги (Семипалатинск) ишчи, аскар-дехкон шўроларидаги ўз вакилларига Алаш Ұрдага карши кўпоровчилик ишлари олиб бориш вазифаси топширилганлигини жуда кеч пайкадилар. Сталин 1918 йил 28 январиди юкоридагиларга куйидаги мазмунда телеграмма йўллаган эди: «Хозирча буржуа миллатчилари билан музокаралар олиб боришга мажбурмиз. Алаш Ұрдага каршилик ки-лиш учун нима килиб бўлса ҳам шахарларда 20-30 кишидан тўплаб тадбирлар белгиланг».

Еттитом (Семипалатинск) шўросининг бошлиги Сталинга: «Козоклар ичида шахар пролетарлари бўлмаганлиги сабабли шўро хокимиятини эълон килиш имконияти йўклигини» билдириб телеграмма берди. Сталин кайта телеграмма юбориб, унда шундай буйрук берди: шўро хокимиятини эълон килиш учун шахар козокларининг авом кисмидан 20-30 одам тўплаш керак».

Шўро ҳукумати маҳаллий халкка таяниб, шўро ҳокимиятини эълон қила олмасди. Шунинг учун Алаш Ұрдага қарши қурашни тўғридан-тўғри марказдан идора қилишда Сталин Оренбург бош волигидаги собик фойтунчи Муҳаммад Тунгачинни Миллатлар Халқ комиссарлигида «Козок масалалари бўйича мудир» лавозимига тайинлади. Оқ подшо даврида ашаддий полициячи бўлган Қўлбай Тугузовни эса Тўрғай ва Окмўла вилоятлари комиссари» қилиб қўйди. Муҳаммад Тунгачин 1918 йил мартда Москвдан Тўрғайга келиб, бу ерда козоклардан 1000 кишилик суворий қисми тузди. 1918 йил феввалида шўро ҳукумати Эски Дашт волиги православ черковининг собик миссионери (таргиботчи-дарвеш) Али Жангелдинни «Козок-киргиз вилояти фавқулудда комиссари» вазифасига тайинлади. Козок бўлмиш мазкур шахслар Алаш Ұрдага қарши қураш борасида истеъдодли эканликларини намоиш қилдилар. 1917 йил апрелида Тўгузов ва Шоқир Алжановлар ташкил қилган «Уч юз партияси» Алаш Ұрдага қарши қурашда шўролардан кам ҳисса қўшмадилар. Аслида, Алаш Ұрданики бўлиб қўринган бу партия октябрь инқилобидан сўнг ўз номини «Киргиз [козок] социалистик партияси» деб ўзгартирди. Алаш Ұрда ҳукуматини бартараф қилишни тезлаштириш учун Москва 1918 йил феввалида Тунгачиннинг суворийларини ва Головшечкин қисмини Еттитомга юборди. Улар 18 мартда миллий милицияни ўққа тутди ва ҳукумат аъзоларини тарқатиб юборди. Айни ўша қуни асли фойтунчи, эндиликда полк қўмондони бўлиб олган Тунгачин раислигида муваққат «Шўро козок ҳукумати» эълон қилинди. Бу ҳукуматга яна қуйидаги козоклар ҳам киритилган: Маждид, Ниёз, Бегалиев, Жонбўлак ва Бекмамат(377-6. Бу ҳукуматнинг фаолияти ҳақида шўро манбаларида маълумот йўқ, бўлганлари ҳам оммалаштирилмаган.). Шундан кейин Алаш Ұрда билан шўро рус ҳукумати ўртасидаги қураш очикчасига тус олди. Алаш Ұрда ва унинг тарафдори Даштга чекиниб, шўро ҳукуматига қарши қурашни давом эттирдилар ва халқни шу йўлга бошладилар. Алаш Ұрдага қарши қурашда ҳам гоёвий, ҳам дунёвий бир-бирига ашаддий душман ҳисобланган оқ подшо давридаги руслар ва қизилруслар фикран ва ҳаракатда ҳамжихат эдилар. Қизил руслар Алаш Ұрда ҳукуматини ағдарди. Омскдаги оқ подшо давридаги рус ҳукумати эса 1918 йил 22 октябрида Алаш Ұрданинг ҳар қандай ҳаракатини ман қилди. Алаш Ұрда ҳам 2 йил давомида душманларининг ҳеч бирига бўйин эгмади. Аммо улар чорасиз қолган эди. Қизил аскарларнинг Даштдаги юриши муваффақиятли бўлди. Бу ерда очарчилик бошланди. Алаш Ұрда қатталари Туркистондаги шўро аскарлари қўмондонлари билан музоқара юришиб, қолдан тойган қисмларини тарқатишга қарор қилишди. Туркистон жаҳхасининг бош қўмондони Фрунзе 1920 йил 20 декабрида Ленинга телеграмма ёзиб, Алаш Ұрда ҳукуматининг гарбий қисмидан етук вақолатли вақил қелганлиги ва ўз қисмларини таслим қилиш учун шўро ҳукумати билан учрашиб ниятида эканлигини баён қилди. Фрунзе яна қуйидагиларни илова қилди: «Учрашувни кечиктириш ҳақида буйруқ бердим ва таслимни қабул қилиш муддатини қисқартиришга қарор қилдим. Алаш Ұрданинг ҳарбий аҳамияти қатта эмас. Унинг таслим бўлиши сиёсий ва иқтисодий жихатдан муҳимдир. Чунки таслим натижасида мавзеларимиз Ҳазар денгизи соҳилларига ва Даштнинг ҳамма бурчакларига етиб боради»(Фрунзе, Избраннме произведения, 1., 27-6.). Ҳақиқатан ҳам, Алаш Ұрдачилар тадрижий равишда шўро тузуми билан қелишиб қетиш мажбурийлигини ҳис қила бошлади. Алаш Ұрда қисмлари таслим бўлгач, шўро Русияси Алаш Ұрда йўлбошчиларини қувгин қилмади. Ҳатто Козогистон шўро ҳукумати тарқибига қиришга ҳам монелик қилмади(Алихон Бўкейхон (1869-1932) 1929 йилгача шўроларнинг наشريёти соҳасида ишлади. Масалан: 1924 йилга қадар СССР Халқлари марказий наشريётининг козок шуъбаси бошлиги эди.

Ундан кейинги такдири номаълум. Ахмет Байтурсун (1873 - 1937) ёзувчи ва адабий танкидчи сифатида маълум. 1937 йили катл килинди. Байтур). Алаш Ұрда етакчилари шўро ҳокимияти орасидаги бу муваккат келишувчанликни ҳозирги баъзи шўро тарихчилари «инсонпарварликка» йўймокдалар(Бейсембиев, Идеино-политические течения в Казахстане конце XIX - начало XX века, Алма-Ата, 1961, 374-6: «Шўро ҳукумати миллий туйгуларга ҳурмат юзасидан Алаш Ұрдага чидаб турди. Киргиз (козок - муаллиф) Инкилоб кўмитаси Алаш Ұрдачиларга кераксиз кон тўкмаслик, ўзларининг умидсиз ҳолатини англаб шўроларга қарши қурашишдан воз кечишни таклиф қилди. Фақат козок халқи орасида шўро ҳокимиятининг обрўси ва эътибори шунчалик қучли эдики, Б. Хайит даъво қилганидек, киргиз Инкилоб кўмитасининг ерлик халқ орасида ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун миллатчилар ёрдамига муҳтожлиги йўқ эди». Бундай даъволар шўроларнинг юқорида ҳавола қилинган фикрлари билан ҳамоҳангдир. «Оренбургда 12-20 июнь 1921 йилда тўпланган КОЗССР Коммунистик партиясининг 1-конференцияси шундай ҳулосага келди: фақат киргиз халқ оммасигина ушбу вазиятда устун бўлган русларга қаршилиқ қилиб қолмасдан, балки бу ҳолат партия ташкилоти ва шўро органларида ҳам ҳали йўқолган эмас». 17 - 18 б. «Козоклар ҳар бир рус пролетарига ёт инсон сифатида қарайди». 18-6. 1925 йил 1 декабрида етакчи шўро раҳбарларидан Саид Ваккас (манбаларда Садваккасов ҳам) Козогистон коммунистик партияси 5-конференциясида шуни очик-ойдин айтди: «Козогистонда ҳали ҳозир ҳам сиёсий вазият тангдир, чунки амалда бутун салтанат русларнинг қўлида. Биз козоклар очик овоз беришда иштирок этамиз. Шу билан бирга, бир қатор қарорлар бизнинг фикримизни ҳисобга олмай қабул қилинаверади». Гессен, 24-6.: «Бутун ўлкани қамраб оладиган, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг ҳар қесимини ривожлантиришга қодир бир ягона обрўли ташкилот тузишга эҳтиёж бор. Бундай юксак идора 1919 йил 10 июлда РСФСР Халқ комиссарлари шўросининг буйруғи билан тузилган Козок ўлка Инкилоб кўмитаси). Алаш Ұрда раҳбарлари ва тарафдорласун Козогистон АССР Халқ таълими ишлари комиссари бўлди. 1924 йилдан буён таълим-тарбия ишлари Халқ комиссарлигининг илм ва адабиёт шўросига раислик қилди. «Бойтурсун замонамизнинг шоир ва тил билимдонларининг буюқларидан биридир». Киёсланг: А. Затаев, 1000 песен киргизского народа, (киргиз-козок - муаллиф) Оренбург, 1925 338-6., Мухаммаджон Тинишбой (русча адабиётларда: Тинишбаев, Тиниспаев.) Козогистон тадқиқот жамиятининг бошлиғи. 1936 йилдан эътиборан такдири номаълум. Мирякуб Дулат (1885 -1937) шеърлари миллий тушунчаларни ташвиқ қилган ва тилга тушган машҳур шоир сифатида 1936 йилгача фаолият қўрсатди. Халил Дўстмуҳаммад тарихчи сифатида маълум. 1937 йилда қўлга олинган.

Асосан, 1920 йилнинг бошларидан бери шўро тузуми идораларида ишлай бошладилар. Аммо шўро ҳукумати ҳеч қачон уларга ишонч билан қарамади ва сурункали равишда уларнинг қарашлари билан қурашиб келди. Алаш Ұрда ҳақида шўро муаллифларининг баҳоларидан бири шундай: «Алаш (партияси - муаллиф) Ұрда миллий давлатини эълон қилди. Алаш Ұрда барчани ўз бағрида бирлаштирди. Алаш Ұрданинг устки қатламини миллий буржуазиянинг демократик зиёлилари ташкил қиларди» (Мельник, Октябрь в Казахстане. - Алма-Ата: 1930.17-19-6.). Шўро ҳукумати асримизнинг 30-йилларигача Алаш Ұрда гоёларини йўқотиш учун ҳаракат қилди(Мельник, Октябрь в Казахстане 23-6: «Миллий буржуазия Алаш Ұрданинг мафқурасида ҳали чуқур илдизга эга... Шунинг учун Алаш Ұрдага ўладиган душман сифатида қараш ҳатодир... Алаш Ұрдани ўлган душман сифатида архивга ташлаш, бизнингча, марксистик тушунчага мос эмас. Яхши биламизки,

келажакда бизни Алаш Ұрдага карши узок ва кучли кураш кутмокда.).

Туркистон мухтор жумхуриятининг тугатилиши билан боглик кўп ходисалар аниқдир. Миллий заминда янгидан давлат тузиш учун килинган уринишларнинг оқибатсиз бўлиши шўро Русиясининг миллий мухтор хукуматлар Русиянинг бўйинтуругидан тадрижий кутулиб бориши шўро (коммунистик) Русиясида катор бесаранжомлик ўчоқларини вужудга келтириши каби оқибатлардан кўркиш сабабидир. Факат Туркистон-дангина «давлат бўлиши» хукуки тортиб олингани йўқ, балки бошқа барча турк, ислом ва Кавказ кавмлари Москов хокимият хирсининг курбонлари бўлди. Мустакил эди». Киёс.: Из истории октябрьской революции, 42-6. Козогистон Инкилоб кўмитасининг тузилиши билан боглик буйрук юзасидан каранг: Ленин о Средней Азии, 444 - 448 б. (10 моддадан иборат): С. З. Зиманов, В. Ленин и Кирревром, ИАН СО, Алма-Ата, 1970, 37-6. Туркистон комиссияси ва Туркистон жабхасининг инкилоб ва уруш шўроси 1919 йил 27 октябрида Ленинга куйидаги телеграфни жўнатди: «Козок Инкилоб кўмитасининг козок халк оммаси билан алоқаси ҳам, улар орасида обрўси ҳам йўқ». турк давлатларининг (1917 - 1918 йилларда турк кавмларининг миллий хукуматлари тубандагилар: Крим турк жумхурияти (26 декабрь 1917 - 27 январь 1918). Кенг маълумот учун каранг. (бу китоб крим туркларининг миллий курашини акс эттирган энг яхши тадқиқот хисобланади). Бошқирд жумхурияти (1917 йил 28 ноябрь - 1918 й. 3 февраль). Бошқирдистондаги хокимият учун курашга шўролар нуктаи назарини билиш учун каранг: В. П. Иванов. Очерки истории Башкирской АССР, П, - Москва: 1966, 8 - 186 б; Р. М. Раимов, Образование Башкирской АССР, - Москва: 1952, 100 - 231 б. Идил-Урал миллий маданият мухторияти (1917, 22 июнь - 1918.12 апрель). 138-б.; Андрианов - Толстяков, Становление и упрочение власти Советов в Татарии. - Казань: 1967, 56-бетга кўра, Козон шаҳри 1918 йил 29 мартда кизил аскарлар томонидан ишғол килинган. Шўро руслари Идил-Уралда ўз хокимиятларини ўрнатиши хақида каранг. М. К. Мухаринов, Октябрь и национально-государственное строительство в Татарии. (Октябрь 1917 - 1920 г.г.) Москва, 1969, 248-6. Шимолий Кавказ, 20 ноябрь 1917 йилда Муваккат хукумат тузилиши ва 1918 йил 11 майда мустакилликнинг эълони). Батафсил маълумот учун каранг: Шимолий Кавказда хокимият учун кураш борасидаги шўро нуктаи назари баён килинган асарлар учун каранг: Борьба за установление и упрочение Советской власти в Дагестане. - Москва: 1958, 538-6. Озарбайжон жумхурияти (мустакиллиги 1919. 29 май -1920 йил 24 апрель). Миллий хукуматнинг кизил аскарлар томонидан тор-мор келтирилиши хақида каранг: История Коммунистической партии Азербайджана. - Баку:1958, 309 - 357 б.) умри жуда киска бўлди. Давлат бўлиши истаги миллий ироданинг ифодаси эди ва русларнинг кўл остида узок йиллар бўлишига карамай, миллий кадрият йўқолмаганини кўрсатарди. Аммо бу миллий хукуматлар яшаб колмок учун Русияга карши сиёсатларини ўзаро уйғунлаштира олмадилар. Шундай килиб, Русия императорлиги доирасидаги турклар орасида кандайдир «пантуркизм» ёки «пантуранизм» борлиги бўхтон бўлиб, асло у амалда мавжуд бўлмаганлиги равшан кўриниб турибди.

Др.Боймирза Хайитнинг
"Туркистон Россия ва Хитой оралгида" китобидан